

№ S/4 (3) - 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

Nº S/4 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Аббасов Беҳзод Бахтиёрович</i>	
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРГОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ	10-21
<i>Бабаджанов Ҳасан Бахтиёрович</i>	
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ	22-27
<i>Саидбобоева Гулзора Нематжоновна</i>	
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ	28-36
<i>Rasulov Ma'murjon Foziljonovich</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS ОBYEKTALARINING O'RNI	37-42
<i>Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна</i>	
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИННИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ	43-51
<i>Esonov Ziyodbek Yuldashevich</i>	
FARG'ONA VODIysi QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN	52-58
<i>Фарманова Гульнара Комилевна</i>	
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА АФРАСИАБЕ	59-65
<i>Turaev Sherzod Gulboy ugli</i>	
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH	66-71
<i>Сотиболдиев Гайратжон Отамирзаевич</i>	
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР	72-78
<i>Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich</i>	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	79-90
<i>Абдуллаҗанова Нигорахон Турдалиевна</i>	
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН	91-95
<i>Дониёров Носиржон Абдухолик ўғли</i>	
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН	96-102

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқурова</i>	
ИСЛОМИЙ СУФУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	103-109

<i>Фозилов Умид Закирович</i>	
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ	110-118
<i>Shoyev Davronbek Axmadjonovich</i>	
BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA "MENEJMENT LABORATORIYASI"NI TASHKIL QILISHNING O'RNI	119-125
<i>Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи</i>	
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ	126-133
<i>Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur</i>	
O'ZBEKİSTONDA RAQAMLI IQTISODİYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONİYATLARI	134-139
<i>Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o'g'li</i>	
YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI	140-146
<i>Ёдгорова Шахноза Хайридиновна</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ	147-155
<i>Qurbanov Ma'murjon G'ayrat o'g'li</i>	
ASOSIY ISHLAB CHIQARISH KO'RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI	156-166
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i>	
BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O'ZBEKİSTON TURİZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI	167-172
<i>Маматов Бахадир Сафаралиевич</i>	
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ	173-188
<i>Гойиназаров Санжар Баходирович</i>	
ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҶАМЛЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	189-195
<i>Садинов Азиз Зиядуллайевич</i>	
ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	196-203
<i>Курбонова Раҳима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Ҳакимов Дамир</i>	
ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ	204-216
<i>Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o'g'li</i>	
YASHIL IQTISODİYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSİYALARINI YO'NALTIRISH ZARURIYATI	217-222

Исломов Алишер Бахтиёр ўғли
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ 223-229

Agzamova Nargiza Gapurovna
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN 230-237

Муродова Дилноза Чориевна
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ 238-245

Khodjaeva Shodiyabonu Abitjanovna
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING
FUNKSIYALARI 246-250

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНӢЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ
ҮРНИ 251-259

Ibroximov Sarvar Mo'ydinjon o'g'li
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK
TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI
TAKOMILLASHTIRISH 260-265

Yuldashev Ibroxim To'ychiyevich
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO
UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING
MUSHTARAKLIGI 266-271

Khamdamova Sitora Safarovna
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA
XOSLIGI 272-277

Абдуллаев Джасур Абдивайт ўғли
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО
ЧЕЛОВЕКА 278-283

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Xasanov Akbarjon Abdurashidovich
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK
BIRLIKLER BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR 284-292

Qurbanova Muharram Jurabekovna
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI 293-297

Сафарова Замира Рустамовна
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК
ТАСНИФИ 298-304

<i>Gubaydullin Artur Faridovich</i>	THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS'	305-313
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi</i>	ETEL LILIAN VOYNICHNING "SO'NA" ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ...	314-318
<i>Seytnazarova Injayim Erjanovna</i>	TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QO'LLANILISHI	319-325

<i>Асадова Дилбархон</i>	ЎРХОН ПАМУҚНИНГ "ҚОРА КИТОБ" РОМАНИДА "ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ" МОТИВИ	326-342
--------------------------	-------------------------------------------------------------------	---------

<i>Khusanov Eldor Davlat o'g'li</i>	BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALALARINING O'XSHASH VA FARQLI JIHATLARI	343-348
-------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------	---------

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Утемуратов Махмут Ажимуратович</i>	ЖАМИЯТДА ХУҚУҚИЙ ОНГ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ	349-355
---------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------

<i>Шымбергенова Улзада</i>	ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	356-362
----------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------

<i>Полвонов Нажмиддин Аслиддинович</i>	ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ	363-372
----------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------	---------

<i>Мирзаев Щухрат Шавкатович</i>	КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ	373-382
----------------------------------	---------------------------------------------------------------	---------

<i>Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли</i>	"ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҶАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ"	383-392
--------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------

<i>Махмудов Суннат Азим ўғли</i>	ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	393-399
----------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------	---------

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Farrux Axmedov</i>	XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH	400-409
-----------------------	----------------------------------------------------------	---------

<i>Музабарова Соодат Хайдаровна</i>	ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАҶНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ	410-415
-------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------	---------

Xaydarova Iroda Nizomiddinovna

BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI
NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ... 416-421

Шукрова Нафиса Алишеровна

ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН
ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ 422-427

Nigmanov Bori Botirovich

FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING
AHAMIYATI 428-433

Муродова Дурдона Раимжон қизи

БҮЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯСИ 434-438

Axmedov Alisher Nosir o'g'li

ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI 439-447

Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI
RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI 448-452

Mansurbekova Feruza Gayratovna

BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI 453-456

Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna

O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI 457-465

Atamuratova Munira

O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY
ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL
METODLAR TAVSIFI 466-471

Нурилло Эминов

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА
БИР НАЗАР 472-476

Бабаджанов Хасан Бахтиёрович
Мухаммад ал-Хоразмий номидаги
ТАТУ Гуманитар фанлар кафедраси
мудири, PhD, доцент

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон аҳолиси ва фронтни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда томорқа хўжаликларининг ўрни ва аҳамияти танқидий таҳлил этилди. Шунингдек, хўжаликларнинг турли фондлар ва солиқлар воситасида армияни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги ўрни кўрсатиб берилади.

Калит сўзлар: Иккинчи жаҳон уруши, озиқ-овқат таъминоти, аҳолининг моддий аҳволи, Ўзбекистон, қишлоқ хўжалиги, солиқлар, томорқа хўжаликлари, чорвачилик, Қизил Армия гўшт фонди, паррандачилик, фронт.

Бабаджанов Хасан Бахтиёрович
Заведующий кафедрой Гуманитарных наук
ТУИТ имени Мухаммада ал-Хоразмий

РОЛЬ ПОДСОБНЫХ ХОЗЯЙСТВ В ПРОДОВОЛЬСТВЕННОМ ОБЕСПЕЧЕНИИ УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

Аннотация. В статье критически анализируются роль и значение подсобных хозяйств в снабжении населения Узбекистана и фронта продуктами питания в годы Второй мировой войны. Также, в статье освещена роль подсобных хозяйств в обеспечении армии продуктами питания за счет различных фондов и налогов.

Ключевые слова: Вторая Мировая война, продовольственное снабжение, материальное положение населения, сельское хозяйство, налоги, подсобные хозяйства, животноводство, мясной фонд Красной Армии, птицеводство, фронт.

Khasan Babadjanov
Doctor of Philosophy (PhD), Associate professor,
Head of the Department of Humanities, TUIT

THE ROLE OF HOUSEHOLDS IN THE FOOD SUPPLY OF UZBEKISTAN DURING THE SECOND WORLD WAR

Abstract. The article critically analyzes the role and importance of subsidiary farms in supplying the population of Uzbekistan and the front with food during the Second World War. Also, the article highlights the role of subsidiary farms in providing the army with food at the expense of various funds and taxes.

Key words: World War II, food supply, material situation of the population, agriculture, taxes, subsidiary plots, animal husbandry, meat fund of the Red Army, poultry farming, front.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N02>

Иккинчи жаҳон уруши даврида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муаммолар юзага келди. Бу муаммолар биринчи навбатда ҳарбий ҳаракатлар туфайли қишлоқ хўжалигининг вайрон бўлиши ҳамда армиянинг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжининг каррасига ошиши билан изоҳланар эди. Бундай оғир вазиятда ҳар қандай озиқ-овқат манбасини яратиш аҳамияти ошди.

Ўзбекистонда озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда ишчи ва хизматчилар ҳам иштирок этдилар. Озиқ-овқат маҳсулотларига танқислик қисман енгиллаштириш мақсадида корхона ва ташкилотлар ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиб, ўз ошхоналарини мустақил равишда сабзавот-полиз, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ҳаракат қилдилар. Ишчи ва ходимлар озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини тўлдириш мақсадида индивидуал томорқа хўжаликлари юритдилар.

1942 йил 7 апрелдаги СССР ХҚК ва ВКП (б) МҚнинг “Томорқа хўжаликларини ривожлантириш тўғрисида”ги қарорига қўра, корхона, ташкилотлар ва алоҳида шахсларга шаҳардаги бўш ёки колхозлар ҳудудидан ер ажратиб бериш бошланди. Шунингдек, қарорда жамоа ёки индивидуал томорқа хўжалик юритувчилар мажбурий равишда ҳосилининг маълум қисмини давлатга топшириши шарт қилиб қўйилди [1].

Республикада фаолият юритаётган ҳар бир халқ комиссарликлари қошида ҳам имконяятлардан келиб чиқиб алоҳида чорвачилик, балиқчилик ва полизчилик хўжаликлари ташкил этилди. Масалан, 1942 йилда Ўзбекистон Савдо Халқ Комиссарлиги тизимидағи муассасалар режа бўйича 20000 бош қўй-эчки, 4000 бош йирик шохли қорамол, 20000 чўчқа, 90000 парранда боқиб беришлари; 85 тонна балиқ тутишлари; 5400 тонна сабзавот ва полиз экинлари, 4000 тонна карточка тайёрлашлари ҳамда 5400 гектар ердаги ҳашакни ўриб беришлари лозим эди [2].

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда томорқа хўжаликларининг аҳамияти инобатга олиниб, бу соҳани ривожлантиришга жиддий эътибор берилди. 1942 йил 12 майда ЎзССР ХҚС ва ВКП(б) “Темирийўлларда томорқа ва чорвачилик хўжаликларини ривожлантириш тўғрисида”ги қарори асосида темирийўллардан 70 км. дан узоқ бўлмаган жойларда томорқа хўжаликлари ташкил этиш белгиланди [3].

1943 йил 2 апрелдаги СССР ХҚСнинг 433-сонли қарори билан ФЗО, ҳунармандчилик ва темирийўл мактаблари қошида ҳам томорқа хўжаликлари ташкил этилди. Ҳар бир хўжаликка 3-5 доимий штат бирлигига доимий ишчилар бириктирилиб, қолган қишлоқ хўжалик ишларини ўқувчиларнинг ўзлари бўш вақтларида бажардилар [4]. 1943 йил 23 июлдаги СССР ХҚС қарори билан томорқа хўжаликлари йириклиги ва таъминотига қўра 6 гурӯҳга бўлинди. Давлат томонидан энг йирик 1-4 гурӯҳдаги томорқа хўжаликлари қўллаб қувватланди [5].

1945 йил 16 мартағи Ўз ССР ХҚС ва ВКП(б) қарорларига қўра, томорқачиликни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб берилди. Қарорда Республикадаги бошқарув органларига йирик шаҳарлар атрофида икки кун муддат ичидаги қишлоқ хўжалигига яроқли, бўш ерларини топиш ва уларда томорқа хўжаликларини ташкил этиш вазифаси юкланди. Шунингдек, қарорда корхона ва

ташкилотлар, турар жойлар атрофидаги бўш ерларда ҳам томорқа хўжаликларини ташкил этишга рухсат этилди [6].

Уруш йилларида томорқа хўжалиги маҳсулотлари кўпгина оиласлар кунлик рационини сабзавотлар билан тўлдирди ва баъзилар учун тирикчиликнинг ягона воситаси бўлиб қолди. 1945 йилда корхоналарда ишчи-хизматчилар истеъмолидаги 60% сабзавот ва 38% картошка томорқа хўжаликлари томонидан етказиб берилар эди [7]. Шунинг учун томорқачилик билан шуғулланувчилар сони ва бу иш учун ажратилинадиган ерлар кўпайиб борди.

Масалан, бутун собиқ Иттифоқ бўйича томорқага эга ишчи ва хизматчилар сони 1941 йилда 4,5 млн. дан 1944 йилда 10,5 млн. кишига етди. Шу йиллар оралиғида улар томонидан фойдаланилган ерлар 298,1 минг гектардан 716,8 минг гектаргacha кўпайди [8]. Айниқса, томорқа қишлоқ аҳолиси учун муҳим аҳамият касб этди. Уруш йиллари колхозчилар карточка тизимиға ўтказилмаган бўлиб, томорқа уларнинг ягона тирикчилик манбаи бўлди.

Уруш йилларида томорқа хўжаликлари ташкил этишнинг барча ижобий томонларини инобатга олган ҳолда, томорқа хўжаликлари ҳар доим ҳам тўғри ташкил этилмай, иқтисодий фойдасидан кўра зарари кўп бўлганини ҳам таъкидлаш зарур. Масалан, 1942 йилда Ўзбекистон Текстиль ХК корхоналари қошидаги томорқа хўжаликлари норентабл фаолияти туфайли 26 млн. рубль зарар кўрилди [9].

Бу каби салбий ҳолат корхоналар қошида ташкил этилган чорвачилик фермалари фаолияти ҳам кузатилди. Қорамолларни семиртириш вазифаси бу соҳага умуман ихтисослашмаган ташкилотларга юкланди. Масалан, 1941 йил 18 июлдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 829-сонли қарори асосида чорва моллари шартнома асосида боқиш ва семиртириш учун ташкилотларга берилди [10].

Жумладан, Фарғона вилоятидаги ташкилотларга 2300 бош йирик қорамол бириктирилди. Қорамол бириктирилган ташкилотлар рўйхатида Қувасой цемант заводи, олтингугурт кони кабилар бор эди. Пахта тозалаш ёки ёғ-мой заводлари қошида қорамол боқиши назарий ташкил этса бўлади. Лекин қандай қилиб нефть ёки олтингугурт конида қорамол семиртириш мумкинлиги, ҳатто чорвачилик мутахассиларини ҳам ўйлантириб қўйса керак [11].

Озиқ-овқат маҳсулотларини этиштиришни кўпайтиришда Республикадаги барча имкониятлардан максимал фойдаланишга ҳаракат қилинди. 1942 йил 23 апрелдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг қарори билан шоли экувчи колхозлар ва очиқ сув хавфзаларига эга корхоналарда ўрдак этиштирувчи фермалар ташкил этилди [12].

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, колхоз ва томорқа хўжаликлирида тайёрланган деярли ҳар бир маҳсулотнинг давлатга топшириш режаси бўлган. Масалан, 1942 йилнинг 1 чорагида Ўзбекистон колхозчилари давлатга 4 млн. 320 минг дона тухум топширишлари керак эди. Ўзбекистон колхозчилари топширган тухумнинг асосий қисми Москва ва Ленинград шаҳарлари таъминотига мўлжалланган эди [13].

Йигим-терим даврида озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарият қисми турли ўйлар билан дехқондан тортиб олинарди. Йил давомида дехқон тирикчилиги ўтиши қийин бўларди. Уруш йилларида Ўзбекистонда аҳоли очликдан ўлганлиги қайд этилмаган бўлса-да, фактларни таҳлил қилганда Республика қишлоқ аҳолиси шу ҳолатга яқин бўлганини билиб олиш мумкин эмас. Уруш йилларида одамлар аянчли

аҳволини кўрсатувчи яна бир факт: 1942 йилда Республика нинг боғдорчилик-узумчилик совхозларида ҳосил пишиб етилгунга қадар, аҳоли томонидан йиғиб олинган эди [14].

1941-1943 йилларда озиқ-овқат екинлари учун ерларни ажратилиши муаммони тўлиқ ҳал этмади. Шу йиллар мобайнида Ўзбекистон аҳолиси қунлик рациони асосини ташкил этувчи картошка ялпи ҳосилдорлиги 1941 йилда 142 минг тонна бўлса, 1942 йилда 100 минг тоннани, 1043 йилда 99 минг тоннани ва 1944 йилда эса умуман 64 минг тоннани ташкил этди [15]. Бунинг асосий сабаби полиз экинларига унумдорлиги паст ерлар ажратилди ва уларга керакли ишлов берилмади.

Бир томонлама ғалла ва сабзавот майдонларнинг кенгайиши қишлоқ хўжалик экинларига ажратилган ер майдони нисбатини сезиларли равишда ўзгартириди. Уруш йилларида дон экинлари салмоғи ортиб, пахта экилиши камайди. Шунингдек, 1941-1942 йилларда Республика умумий ер фонди балансида сабзавот-полиз экинлари майдони 4,9% дан 8,3%гача, беда экиладиган майдонлар 16,5%дан 19,6%гача кўпайди [16].

Пахта яккаҳокимлигининг чекланиши озиқ-овқат ресурсларини зарур миқдорда кўпайтиришга имконият берди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Республика ғаллакорлари мамлакатга 82 млн. пуд ғалла, 213 минг центнер шоли етказиб бердилар [17].

1942 йилда сабзавот экинлари майдонлари ва ялпи ҳосилнинг кўпайиши билан уларга пропорционал равишида қўшимча давлатга маҳсулот топшириш нормалари ҳам кўпайди. 1942 йил 9 марта ССРХКС ва ВКП(б)нинг қўшма қарори билан 1942 йил ҳосилидан колхозлар давлатга мажбурий топшириладиган сабзавот нормалари қуидаги миқдорда кўпайтирилди: карам 5400 тонна, сабзи 1500 тонна, шолғом 1800 тонна, қизил лавлаги 1000 тонна ва помидор 10000 тонна [18].

Демак, Республикада сабзавот экинлари ялпи ҳосилининг ортиши билан шунга пропорционал аҳолининг сабзавот экинларига талаби қондирилди деган маънени англатмас эди. Худди шундай, 1942 йилда Республика бўйича колхозларнинг давлатга мажбурий гуруч топшириш режаси 33578 тоннага оширилди [19]. 1942 йил 31 июлдаги Ўзбекистон ССРХКСнинг 1219/120c-сонли қарори асосида Республикада етиштирилган картошка ва бошқа сабзавот экинлари билан биринчи навбатда Қизил Армия ва НКВД қўшинлар таъминланиши белгилаб берилди [20].

Ўзбекистонда сабзавот экинлари тақсимотига эътибор қаратадиган бўлсақ, турли фонд, йиғим ва мажбурий режалардан ортган маҳсулот Республика эҳтиёжига сарфланган. Республика аҳолиси истеъмолига ажратилаган картошка ва сабзавотлар таҳминан тенг миқдорда бозор ва бозордан ташқари фонларга ҳамда турли заҳираларга ажратилган.

Масалан, 1942 йилда Ўзбекистон ССР Савдо ХК ихтиёридаги 444100 тонна картошкадан, 18030 тоннаси бозордан ташқари истеъмолга, 18620 тонна бозор фондига, 2000 тоннаси эса ССРХКС давлат заҳирасига ва 5450 тонна Ўзбекистон ССРХКС резервига ажратилди [21].

Турли солиқ ва йиғимлардан ташқари аҳолидан турли фондлар орқали озиқ-овқат маҳсулотларини жалб қилиш тадбирлари ўтказилди. 1942 йил 23 ноябрда Қизил

армия гўшт фонди тузилиб, Ўзбекистон учун унинг миқдори 7000 тоннани ташкил этди [22]. Шунингдек, шундай фондлардан яна бири Қизил Армия нон фондидир.

Нон фондига ғалла, арпа ёки дуккакли етиштирувчи хўжаликлар ўз ҳосилини маълум қисмини мажбурий ўтказиб бордилар. Гўшт фонди ҳам худди шу асосда тузилди. Фронтни қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида тузилган фондлар армия таъминотини бирмунча яхшиласада, аҳоли таъминотига салбий таъсир кўрсатди.

Қизил армия гўшт фондидан ташқари, қизил армия ғалла фонди ҳам мавжуд эди. Ушбу фондга маҳсулот топшириш нормалари Республика алоҳида вилоятлари ва туманларидағи ғалла ҳосилдорликка асосан аниқланарди. Жумладан, 1944 йил ҳосилидан Қизил армия фондига топшириладиган ғалла миқдори Республика алоҳида туманларида гектаридан 10 дан 20 кг.гача белгиланди [23].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ҳудудида 14 та миллий-ҳарбий бирикмалар тузилди. Миллий ҳарбий бирикмалар моддий таъминоти доимо Республика эътиборида бўлди. Ушбу мақсадда, 1942 йилнинг II чорагида Ўзбекистон томонидан 15 тонна ўсимлик ёғи, 10 тонна шакар, 0,5 тонна чой, 10 тонна туз ва 6 тонна хўжалик совуни ажратилди [24].

Бундан ташқари, Ўзбекистон оталиқقا олган ҳарбий бўлинмалар ва кемаларга совғалар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатиш ташкил этилди. Жумладан, 1942 йил 22 апрелида Ўзбекистон оталигида бўлган “Марат” ҳарбий кемасининг шахсий таркибиға 1 минг посилка-совға тайёрланди [25].

Асосий фондлардан ташқари Ўзбекистонда маълум бир юбилей муносабати билан вақтинчалик фондлар ҳам ташкил этилди. Қизил Армия тузилганлигининг 24 йиллиги муносабати билан ташкил этилган фондга Фарғона вилоятининг ўзидан 600 та қўй, 112 та қорамол, 1152 товуқ ва ўрдақ, 40 тонна қуритилган мева, 17 тонна гуруч, 1224 кг ёнғоқ ва бодом, 1272 кг анор. 11000 литр вино, 17 тонна мева ва сабзавотлар, 500 минг сўм ва 1 вагон шахсий посилкалар совға сифатида топширилди [26].

Маълум маънода, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари билан аҳолини таъминлашда томорқа хўжаликлари фаолиятини ижобий қараш мумкин. Томорқа хўжаликларининг маҳсулотларининг маълум қисми фронт эҳтиёжи учун жалб этилишига қарамай, Республика аҳолиси ва меҳнат жамоаларини озиқ-овқат билан таъминлашда ушбу турдаги хўжаликлар муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Турли сабабларга кўра, ҳар доим ҳам белгиланган тартибда хўжаликлар фаолият олиб боролмадилар. Бунга ташкилий ва иқтисодий камчиликлар сабаб бўлди. Шундай бўлсада, томорқа хўжаликлари мамлакат миқёсида миллионлаб инсонлар озиқ-овқат таъминотида, умуман ҳаётини сақлаб қолишда муҳим манба бўлди.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўз МА, Р-839-фонд, 32-рўйхат, 3143-йиғма жилд , 30-бет.
2. Ўз МА, Р 91-фонд, 8-рўйхат, 301 ийғмажилд, 156-бет.
3. Ўз МА, Р-839-фонд, 32-рўйхат, 3297-йиғма жилд , 87-бет.
4. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3143 ийғмажилд, 77об-бет.

5. Экономический фундамент Победы: параллели истории и современности: Монография / Под общей редакцией И.В. Караваевой. – Москва: Институт экономики Российской академии наук, 2015. – С. 277.
6. Джалилов И. Возникновение и развитие советского земельного права в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1970. – С. 202.
7. Экономический фундамент Победы: параллели истории и современности: Монография / Под общей редакцией И.В. Караваевой. – М.: Институт экономики Российской академии наук, 2015. – С. 217.
8. Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. ... – С. 109.
9. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3740 йифмажилд, 33-бет.
10. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2578 йифмажилд, 85-бет.
11. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2578 йифмажилд, 98-бет.
12. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3270 йифмажилд, 237-бет.
13. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3265 йифмажилд, 296-бет.
14. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3740 йифмажилд, 154-бет.
15. Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. ... – С. 98.
16. Қизил Ўзбекистон. 1942, 7 февраль.
17. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 447.
18. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3143 йифмажилд, 7-8-бетлар.
19. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3143 йифмажилд, 72-бет.
20. Ўз МА, Р 91-фонд, 8-рўйхат, 316 йифмажилд, 103-бет.
21. Ўз МА, Р 91-фонд, 8-рўйхат, 316 йифмажилд, 103-бет.
22. Ўз МА, Р-839-фонд, 32-рўйхат, 3253-йифмажилд, 34-бет.
23. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 4163 йифмажилд, 135-бет.
24. Ўз МА, Р 91-фонд, 8-рўйхат, 301 йифмажилд, 142-бет.
25. Ўз МА, Р 91-фонд, 8-рўйхат, 301 йифмажилд, 34-бет.
26. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3522- йифмажилд, 29-бет.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

Nº S/4 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**" электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масьулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).